# Qishloq hayoti

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 10-YANVAR, SESHANBA, 4 (7933) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.





Аҳолига имкон қадар кўпроқ парҳезбоп парранда гўшти етказиб бериш "Хонқа-паррандачилик" МЧЖнинг яна бир муҳим йўналиши ҳисобланади. Бу борадаги кўрсаткичларга назар ташлайдиган бўлсак, сезиларли равишда ўсишга эришилаётганлигини кўрамиз. Бу — парранда гўшти етиштириш уч йилда ўн баравардан зиёдроқ кўпайганлигини англатади. 2





Фермер томонидан бир гектардан зиёд майдонда замонавий иссиқхона ташкил қилиш жараёнида муқобил энергия манбаларини яратиш лойиҳаси туғилди. Шунча майдондаги иссиқхонани иситишда газ ёки бошқа ёқилғидан фойдаланилса, маҳсулот таннархи қимматлашиб кетади. Мақсад қиш мавсумида юртдошларимиз дастурхонига помидор, бодринг каби тансиқ неъматларни арзон нархда етказиб бериш эди... 2






Китобни ва кутубхонани тарғиб қилиш мақсадида оммавий ва универсал илмий кутубхоналаримиз ўз фаолиятларида янги иш услубларини жорий этмоқдалар. Булар турли мавзуларга бағишланган давра суҳбатлари, портрет кечалар, қизиқарли учрашувлар, конкурслар ва бошқалар. "Китобхон бенефиси" ҳам ана шулар жумласидандир. 8

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА


Қорақалпоғистон Республикаси

## ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК САМАРАСИ



"Қорақалпоқэлектртармоқлари" очиқ акциядорлик жамиятига қарашли Чимбой тумани электр тармоқлари корхонаси электр энергиясини истеъмолчиларга сифатли ва узлуксиз етказиб бериш чора-тадбирларини ўз вақтида амалга ошириб келмоқда. Бу борада қиш мавсумига кўрилган пухта тайёргарлик, жумладан, тегишли трансформатор, кабель ва ҳаво электр тармоқларида таъмирлаш ишлари ўз вақтида амалга оширилгани муваффақиятлар омили бўлмоқда.

**СУРАТДА:** *корхона ишчиси Бахадур Кеулимжаев.*

**Арслон КАННАЗАРОВ (ЎзА) олган сурат.**

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маданият ва спортни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор ўзининг юксак самараларини бермоқда. Соҳада самарали фаолият кўрсатаётган ҳамюртларимиз меҳнати муносиб тақдирланмоқда. Пойтахтимизда маданият, санъат ва спорт соҳаси намояндаларини шарафлашга бағишлаб ўтказилган тантанали тадбирда бу жиҳатлар яна бир бор ўз ифодасини топди.**

## САНЪАТ ВА СПОРТ НАМОЯНДАЛАРИ ШАРАФЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда санъат ва спортнинг турли йўналишларида изланаётган ижодкорлар, маънавий меросимизни ўрганишга муносиб ҳисса қўшаётган олимлар, спортчилар, ижодий ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан истиқлол йилларида маънавий-маърифий соҳа ривожига қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, санъатнинг ўзига хос мактаб ва анъаналарини тиклаш, ижодкорлар меҳнатини муносиб тақдирлаш, уларни янгидан-янги марралар сари руҳлантиришдек улуғвор мақсадларга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Санъат, маданият ва спорт соҳасида миллий қонунчилик тизимининг такомиллаштирилиши, қатор давлат дастурларининг ҳаётга татбиқ этилиши миллий санъатимизнинг кўплаб турлари ривожланиб, халқаро миқёсда кенг эътироф этилишига, юртимиздан ўнлаб спорт турлари бўйича жаҳон чемпионлари, Олимпиада совриндорлари етишиб чиқишига хизмат қилмоқда. Буларнинг барчаси Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрўси ва нуфузи тобора юксалишида муҳим омил бўлаётир.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва ғояси асосида 2011 йилда пойтахтимизда халқимизнинг юксак ижодий-интеллектуал салоҳиятига мос муҳташам Симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасидан иборат «Маърифат маркази» қад ростлагани мамлакатимизнинг маданий-маърифий ҳаётида улкан воқеа бўлди. Ушбу мажмуа барчамиз учун юксак ифтихор рамзига айланди. Шунингдек, ўтган йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўнлаб маданият кошоналари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, ижодиёт марказлари, студиялар барпо этилди.

Кўплаб ижодий фестиваллар, кўрик-танловлар, концертлар ташкил этилди. Жумладан, «Шарқ тароналари» саккизинчи халқаро мусиқа фестивали миллий мусиқа санъати билан бирга тинч ва осуда ҳаётимизни, жамиятимиздаги барқарорлик, ҳамжиҳатлик, аҳиллик муҳитини тараннум этишда алоҳида аҳамият касб этди. «Ягонасан, муқаддас Ватан!», «Ниҳол» мукофоти учун бўлиб ўтган ижодий танловларда мустақиллигимизни, жаннатмонанд заминимизни, меҳнатсевар ҳамюртларимизни улуғловчи мусиқий асарлар яратилди, кўплаб истеъдод соҳиблари кашф этилди.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Бадиий академия, «Ўзбектеатр», «Ўзбекнаво», «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, «Ўзбеккино» миллий агентлиги сингари ижодий ва жамоат ташкилотлари томонидан ташкил этилган санъат ҳафталиклари, «Сени куйлаймиз, замондош!» республика кўрик-танлови, «Тошкент баҳори», «Theatre/Uz – 2011» халқаро фестиваллари, VI Тошкент халқаро замонавий санъат биенналеси, турли бадиий ва фото кўргазмалар, концертлар, илмий-маърифий анжуманлар таассуротларга бой бўлди.

– Ўзбек қўшиқчилик санъатининг жаҳон миқёсида эътироф этилаётгани, унга бўлган қизиқишнинг тобора ортаётгани Президентимиз Ислом Каримов томонидан миллий санъатимиз ривожига кўрсатилаётган эътибор самарасидир, – дейди Ўзбекистон халқ артисти, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳибаси Муножат Йўлчиева. – Ижодий янгиланишларга бой бўлган 2011 йилда Европанинг кўплаб мамлакатлари, Ҳиндистон, Хитой, Жанубий Кореяда ўтказилган концертлар, «Ўзбекистон маданияти ва санъати кунлари» тадбирлари бунинг ёрқин далилидир. Давлатимиз раҳбарининг эътибори ҳар бир ижодкорни изланиш ва ижодий марралар сари руҳлантирмоқда.

– Шахматга жуда қизиқаман, – дейди Қўқондаги 45-умумтаълим мактабининг 7-синф ўқувчиси Гулруҳ Тоҳиржонова. – Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, айниқса, қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этишга қаратилаётган эътибор туфайли Бразилияда ўтган шахмат бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида, Филиппиндаги халқаро мусобақада совринли ўринларни қўлга киритдим.

Тадбирда маданият, санъат ва спорт соҳаларида юксак муваффақиятларга эришган бир қатор ҳамюртларимизга сертификатлар топширилди.

Санъат усталари, бадиий жамоалар, ёш ижрочилар иштирокида катта концерт намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Навоий Вилояти

**Конимех туманидаги «Абай» қоракўлчилик ширкат хўжалигида боқилаётган совлиқлардан 2011 йили 40 минг бошга яқин қўзи олинди. Натижада қўйлар бош сони бир йилда 30 фоизга кўпайди. Қўшимча бешта чўпон отари ташкил этилди. Ўн беш киши доимий иш билан таъминланди.**

## ҚИШЛОВ КЎНГИЛДАГИДЕК ЎТМОҚДА

Бугунги кунда хўжаликда 67 минг бошдан ортиқ қўй-қўзи, 2 минг бошдан ортиқ туя ва йилқилар боқилмоқда. Хўжаликда чорва қишловининг муваффақиятли ўтишида Искандар Ирисов, Саидмурод Қалимбетов, Марат Умаров, Йўлдош Кенгбоев, Берикбай Дармонов, Жумабой Бердиев каби илғор чўпонларнинг хизмати катта бўлмоқда.

– Қишга пухта ҳозирлик кўрганимиз боис бугунги қорли-қировли, совуқ кунлардан чорвамизни талафотсиз олиб чиқмоқдамиз, – дейди мазкур ширкат хўжалиги раиси Мустафо Эгамқулов. – Мавсумга 8,5 минг тоннадан ортиқ дағал хашак, 400 тоннага яқин омихта ем ғамлаб қўйган эдик. Чорвадорлар учун эса 90 тонна сабзавот, полиз ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захираси яратилган. 2011 йилнинг ёз ва куз фаслларида амалга оширилган бу борадаги ишлар қишлов қийинчиликсиз, талафотсиз ўтишини таъминламоқда.

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**

Қашқадарё Вилояти

## ШЎР ЮВИШ – МЎЛ ҲОСИЛГА ЗАМИН

**Шўр ювишда асосий диққат-эътиборни нималарга қаратиш лозим, бу муҳим агротехник тадбир қайси муддатларда амалга оширилади, гектарига сувни сарфлаш меъёри қанча, ернинг шўри сифатли ювилганлиги қандай аниқланади?**
**Нишон туманидаги "Тоҳирий" фермер хўжалиги даласида ташкил этилган кўргазмали семинарда шу ва мавзуга оид бошқа саволлар атрофида сўз борди.**

Унда қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари мутахассислари ҳамда шўр ювиш тадбири ўтказилиши лозим бўлган туманлар фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этишди.

Дастлаб иштирокчиларга мутахассислар томонидан ерни шўр ювишга тайёрлаш, уни ўтказиш муддатлари, меъёри ва усуллари ҳақида батафсил тушунча берилди. Аввал бундай майдонларда ариқлар яхшилаб тозаланиши ва уларда сув ўтказиш қурилмалари бўлиши, ер 30-40 сантиметр чуқурликда ҳайдалиб, махсус техникалар билан текисланиши лозимлиги таъкидланди.

— 82 гектар майдонда деҳқончилик қиламиз, — дейди Нишон туманидаги "Тоҳирий" фермер хўжалиги раҳбари Бахтиёр Аликулов. — Кейинги йилларда 14 гектар еримиздан кўнгилдагидек ҳосил ололмадик. Мутахассислар фикрича, у ерда шўрланиш юз берибди. Ҳозирда ҳар гектар ерга ўртача 5-6 тоннадан гўнг солиб, шўр ювиш тадбирини олиб боряпмиз. Ҳудудимизда ўтказилган тадбир эса биз фермерларга бу борада янада бой тажриба тўплашга, қилинган иш самарадорлигини оширишга ёрдам беради, албатта.

Шунингдек, семинарда мутахассислар томонидан тупроқ шўрланишининг асосий сабаблари, бунинг натижасида келадиган иқтисодий зарар аниқ мисоллар ёрдамида тушунтирилди. Ернинг шўрланиши ҳисобига йўқотиладиган ҳосилдорлик экинлар турига қараб 10 фоиздан 90 фоизгача бўлиши қайд этилди.

Семинар давомида қатнашчиларга "Қарши таъмирлаш заводи" масъулияти чекланган жамиятида тайёрланган пол олиш мосламаси намойиш этилди. Ушбу мосламанинг афзалликлари бир кеча-кундузда қанча майдонда пол олиш мумкинлиги ҳақида маълумотлар берилди.

Тадбир давомида иштирокчилар қизиқтирган саволларига жавоб олишди. Қатнашчилар шўр ювишда тўпланган тажрибалар билан ўзаро ўртоқлашдилар.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Жиззах Вилояти

▼ ТОМОРҚА — ХАЗИНА

## ЛИМОНЛАРДАН МИЛЛИОНЛАР

**Мирзачўл туманидаги Абай номли сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ҳудудида яшаб, турли вазифаларда меҳнат қилган Кўбай ака айни пайтда ўз ҳовлисида бир сотих майдонда муқобил ёқилғи билан иситиладиган иссиқхона ташкил этиб, лимон, редиска, кўк пиёз, шивит, кашнич ва бошқа кўкатлар етиштирмоқда. Турмуш ўртоғи Гулсара опа, кенжа фарзандлари Оғабек ва келинлари Сожидахонлар билан биргаликда лимон дарахтларини яхши парваришлаб, бурноғи йили ҳосилга киритишган.**

— Ҳар туп дарахтимиз бултур 220-230 донадан мева берганди, — дейди Кўбай ака. — Бу йил 340-350 донадан ҳосил тугди. Бундан 8-10 кун бурун келганингизда, ҳосиллари мўллигидан шохлари ларзон ташлаб турган дарахтларимизни кўрардингиз. Тахминан барча лимонларимиз 3500 донадан ошиқроқ бўлиб, ҳозиргача 2,5 мингдан зиёдини сотиб бўлдик. Сотган лимонларимиздан нари-бериси 2 миллион 400 минг сўмдан зиёд даромад олиб турибмиз. Бунга салкам бир миллион сўмга редиска, сармсоқ пиёз, кўк пиёз ва турли кўкатлар сотганимизни ҳам қўшсангиз, томорқа — даромад манбаи эканига ишонч ҳосил қиласиз. Кеч куздан то ҳозиргача иссиқхонамизни яна бир сотихга кенгайтирдик. Демак, яна 2-3 йилдан сўнг лимонларимиз ҳам, даромадимиз ҳам янада кўпаяди. Унгача иссиқхонамизга яқинда ўтқазган лимон ниҳолларимиз қатор ораларида исмалоқ ва қўзиқоринлар етиштириш ҳаракатини қиляпмиз.

— Қўзиқоринлар дейсизми? Уларнинг заҳарлилари ҳам бўлармиш, тағин.

— Йўқ, қўзиқоринларнинг заҳарлилари бўлмайди. Сиз назарда тутаётган "қўзиқорин"ларни "замбуруғлар" дейишади. Биз эса ўзимизнинг қир ва адирларда эрта кўклам кезлари момоқалдироқ тасир-тусиридан ер бетига чиқадиган қўзиқорин (сморчок)лар етиштирмоқчимиз. Уларнинг унувчи уруғлари "споралар" дейилади. Эътибор берган бўлсангиз, қўзиқоринлар чиндан ҳам қўзиларнинг қоринларига ўхшаш бўлиб, сирти юзлаб ғадир-будур кичкина чуқурчалардан иборат. Ана шу чуқурчаларда уларнинг споралари жойлашган. Споралар тупроққа тушиб, униб чиқади. Лекин бу неъмат ниҳоятда хуштаъм ва шифобахш. Абу Али ибн Сино бобомиз жуда кўп хасталикларни қўзиқоринлар билан даволаган. Жумладан, юрак, қон-томир, жигар хасталикларида самарали фойдаланган.

— Шундайликка — шундайдира, лекин сиз момоқалдироқни қаердан оласиз?

— Э-э, аслида момоқалдироқ шарт эмас. Асосийси — ёмғирлар. Кўклам момоқалдироқ гумбирлаётган пайтларда ёмғир кўп бўлади, тупроқ юзаси тез юмшайди ва шу боис, қўзиқоринлар потирлаб ўсиб чиқади. У тез ўсувчан ўсимлик. Икки-уч кундаёқ етилади. Демак, иссиқхона шароитида тупроқ ҳароратини 25-27 даражага етказиб, кўпроқ сув тарасангиз, қўзиқоринлар етилади. Бултур бошламасига юздан зиёд қўзиқорин етиштириб, тажриба қилиб кўрганмиз. Исмалоқ ҳам шифобахш ўсимлик. У ҳатто, бироз паст ҳароратда ҳам етилади.



Лимонларнинг қанчалик шифобахшлигини кўпчилик билади. Шунинг учун шифокорлар жуда кўп хасталикларга лимонли чой ичишни, мева ҳолида истеъмол қилишни тайинлашади. Пўстлоғининг ўзиёқ кўплаб дардларни даволаш билан бирга, косметикада яхши самара беради. Демак, одамлар саломатлигига ҳисса қўшаверамиз.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Тошкент Вилояти

▼ ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

# ЧАҚИРУВ ПУНКТЛАРИ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФА КАСБ ЭТМОҚДА

***Тошкент вилоятида 2011 йилда олтита чақирув йиғин пункти капитал таъмирланди***

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони чақирув тизимини тубдан такомиллаштириш, миллий армиямиз таркибини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мазкур ҳужжат ижроси юзасидан Тошкент вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилаётир. 2010 йилда тўққизта чақирув пункти таъмирдан чиқарилган бўлса, 2011 йилда Қуйичирчиқ, Оққўрғон, Паркент, Чиноз, Янгийўл ва Бекобод туманларидаги чақирув пунктлари тубдан таъмирдан чиқарилиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди.

– Президентимиз раҳнамолигида Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида чақирув пунктлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси чақирув бўлими бошлиғи Ҳамробек Бобожонов. – Чақирувни юқори савияда ташкил этиш мақсадида тиббий кўрик хоналарини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш, биноларнинг иссиқлик ва электр энергияси таъминоти масаласини янада яхшилаш чоралари кўрилмоқда.

– Чақирув пунктимиз бутунлай янгича қиёфа касб этди, – дейди Оққўрғон тумани мудофаа ишлари бўлими бошлиғи Олимжон Абдуллаев. – Туман кўчма механизациялашган колоннаси қурувчилари томонидан бу ерда улкан ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Жумладан, чақирилувчилар учун 50 ўринли маданий-тарбиявий ишлар биноси, чақирилувчиларни социал-демографик аҳволини аниқлаш хонаси, шифокорлар хоналари ҳамда чақирув пунктининг бир неча қўшимча бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Жорий йилда Оққўрғон туманидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилиши режалаштирилган йигитларнинг 700 нафари тест синовларини топширди ва туман мудофаа ишлари бўлими томонидан жисмоний тайёргарлиги синовдан ўтказилди. Мазкур синовларда энг юқори балл тўплаган йигитлар муддатли ҳарбий хизматга йўл олади.

Бугун Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш – йигитларимиз учун том маънода шон-шараф ишига айланган. Бунинг учун нафақат жисмонан соғлом, балки юқори интеллектуал салоҳият ва кенг дунёқарашга, юксак маънавий-руҳий тайёргарликка эга бўлиш талаб этилмоқда.

Шу боис муддатли ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг оилавий аҳволи, билим даражаси, жисмоний ва интеллектуал салоҳиятини ўрганиш жараёни изчил такомиллаштирилмоқда. Чақирув комиссиялари аъзолари таркибига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармаларининг вакиллари киритилгани чақирилувчилар учун бўлаётган танлов ва синовлар ошкоралик, холислик тамойиллари асосида ўтишини ва бу борада қатъий жамоатчилик назоратини таъминламоқда.

Муддатли ҳарбий хизматдан қайтаётган йигитларни иш билан таъминлаш масаласи ҳам доимий эътиборда.

Ҳарбий хизматни намунали ўтаб, қисм қўмондонлиги томонидан бериладиган тавсияномага эга йигитларга олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун белгиланган тартибда имтиёзлар жорий этилгани ёшларнинг интилувчанлиги ва фаоллигини оширишда муҳим омил бўлаётир. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти бўлимининг маълумотига кўра, ўтган йиллар мобайнида ана шу имкониятлардан унумли фойдаланган беш юз нафарга яқин ёшлар олий таълим муассасаларида ўқимоқда. Буларнинг барчаси Президентимиз раҳнамолигида миллий армиямизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар самарасидир.

**Л.СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Сирдарё Вилояти

**Вилоятдаги фермер хўжаликларидан 238 минг тоннадан зиёд хомашё қабул қилиб олган "Сирдарёпахтасаноат" бирлашмаси тасарруфидаги заводларда келтирилган ҳосилни нест-нобудсиз ташиш ва қайта ишлашга алоҳида масъулият билан ёндашилаётир.**

## СИФАТ – АСОСИЙ МЕЗОН

Гулистон пахта тозалаш заводи жамоаси 2011 йилда фермер хўжаликларидан 26 минг 553 тонна юқори сифатли хомашё қабул қилиб олганди. Айни чоғда корхонада кунига ўртача 117-120 тонна пахта қайта ишланиб, ундан 40-42 тонна тола, 60-62 тонна чигит, 2,7 тонна момиқ олинаётир. Пахтанинг толалиги ўртача 34,7 фоизни ташкил этмоқда. Ҳозиргача омборларга жамланган пахтанинг 17 минг тоннадан кўпроғи қайта ишланди. Пахтадан олинаётган сифатли тола пешма-пеш терминал орқали экспорт қилинаётир.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

МУНОСАБАТ

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида миллий матбуотимизни жадал ривожлантиришга, уни жаҳон андозалари даражасида фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ўнга яқин қонун ҳужжатлари миллий медиа соҳани тубдан ислоҳ этиш, уни том маънодаги эркин фикр минбарига айлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.**

# ИМКОНИЯТ ИЗЛАНИШГА ЧОРЛАЙДИ

Давлатимиз раҳбари томонидан 2010 йил 12 ноябрда тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқларини янада кенгроқ рўёбга чиқариш учун имконият яратиш, оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлашдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда медиа соҳага кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликлар нодавлат оммавий ахборот воситалари фаолиятида ҳам ўзининг яққол ифодасини топмоқда. Буни «Ҳуррият» газетаси мисолида ҳам кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарори барча турдаги медиа тузилмаларни, жумладан, нодавлат нашрларни ҳам янада ривожлантириш учун қулай шароит ва омилларни яратади. 2011 йилда таҳририятимиз салкам бир миллион сўмга яқин фойда солиғи, қарийб 840 минг сўм инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига қарийб 6,5 миллион сўм, Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига 2,3 миллион сўмдан зиёд ажратмалар ажратилди. Давлатимиз раҳбарининг номи қайд этилган қарорига биноан энди таҳририятимиз, мамлакатимиздаги кўплаб бошқа турдош нашрлар каби мазкур тўловлардан озод этилди. Бу биз, журналистлар учун ғоят катта имтиёз, имконият ва рағбатдир.

Тежаладиган ушбу маблағ таҳририятимиз моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, ходимларнинг ойлик иш ва қалам ҳақларини ошириш, тайёрланаётган материаллар сифатини янада яхшилашга хизмат қилади.

Қарорда полиграфия ташкилотлари томонидан олиб келинадиган қоғоз, полиграфия материаллари ва ахборот сақлаш мосламаларининг божхона тўловидан беш йил муддатга озод этилиши, 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб оммавий ахборот воситалари ва китоб маҳсулотларини етказиб бериш хизматлари қўшилган қиймат солиғига тортилмаслиги кўрсатилган. Буларнинг барчаси босмахона, қоғозга оид сарф-харажатлар ва почта хизматлари нархининг камайишида муҳим омилдир. Бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган бу жиҳатлар газеталар таннархининг сезиларли даражада пасайишига, ўқувчининг обуна имкониятлари ошишига, нашрлар аудиториясининг кенгайишига хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари томонидан яратилаётган бундай кенг имкониятлар фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг, жумладан, нодавлат нашрларнинг ўрни ва ролини мустаҳкамлаш, уларни янада эркинлаштиришда муҳим омил бўлиши шубҳасиз. Бундай юксак эътибор ва ғамхўрликка муносиб бўлиш эса биз, журналистларнинг шарафли бурчимиздир.

**Ўктам МИРЗАЁРОВ,**
**"Ҳуррият" газетаси**
**бош муҳаррири.**
*ЎзА*

Наманган Вилояти

**Мамлакатимизда муқобил энергия манбаларини яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Табиатни асраш, экологик муаммоларни бартараф этиш ва иқтисодий тежамкорликка эришиш мақсадида қуёш нури ва шамол кучи ёрдамида электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича олиб борилаётган изланишлар самаралари соҳа истиқболига хизмат қилмоқда.**

# МУҚОБИЛ ИССИҚЛИК МАНБАИДАН ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА

Бу борада мамлакатимизнинг фан-техника муассасалари, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларида олиб борилаётган фундаментал тадқиқотлар билан бир қаторда жойларда изланувчан тадбиркорлар томонидан новаторлик лойиҳаларининг амалиётга жорий этилаётгани ҳам эътиборга молик.

Наманган вилоятининг Чортоқ туманидаги "Чортоқ ипаги" фермер хўжалигида биогаз ёнилғисидан фойдаланиш йўлга қўйилгани фикримизнинг далилидир.

Хўжалик раҳбари Воҳиджон Самадов – узоқни кўзлаб иш юритадиган, изланувчан, эзгу мақсад йўлида тиниб-тинчимайдиган тадбиркорлардан. У 2006 йилда тугатилаётган ширкат хўжалигининг сут-товар фермасини тендер савдоси орқали сотиб олди. Ўз истиқболли режасига эга бўлган тадбиркор Президентимизнинг фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашга қаратаётган алоҳида эътибори, бу борада яратилаётган кенг имконият ва имтиёзлардан самарали фойдаланди.

Дастлаб Германиядан зотдор қорамоллар олиб келиб, чорвачиликни йўлга қўйди. Ўтган давр мобайнида ферманинг моддий-техника базасини янги технологиялар билан мустаҳкамлаб борди. Бугунги кунда бу ерда замонавий ускуналар ёрдамида ҳар бош сигирдан ўртача йигирма литрдан сут соғиб олинмоқда. Маҳсулотнинг доимий харидори бор – йил бошида тузилган шартномага кўра, вилоятда муваффақиятли фаолият кўрсатаётган "Нестле-Ўзбекистон" қўшма корхонаси хўжаликда тайёрланган ҳар кунги сутни қабул қилиб олади. 2011 йили келтирилган 150 бошдан зиёд зотдор қорамолнинг бир қисми насл бера бошлади. Олтмиш бош қорамол эса семиртирилмоқда. Уларнинг ҳар биридан 250-300 килограммдан гўшт олиш кўзда тутилмоқда.

Воҳиджон Самадов хўжалик ерларини кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Бугунги кунда 200 гектарни ташкил этган хўжалик майдонларида чорвани қишин-ёзин таъминлаш имконини берадиган миқдорда озуқа экинлари етиштирилади.

Фермер томонидан бир гектардан зиёд майдонда замонавий иссиқхона ташкил қилиш жараёнида муқобил энергия манбаларини яратиш лойиҳаси туғилди.

– Шунча майдондаги иссиқхонани тежамкор усулда иситиш борасида анча бош қотиришга тўғри келди, – дейди Воҳиджон Самадов. – Газ ёки бошқа ёқилғидан фойдаланилса, маҳсулот таннархи қимматлашиб кетади. Мақсадимиз қиш мавсумида юртдошларимиз дастурхонига помидор, бодринг каби тансиқ неъматларни арзон нархда етказиб бериш эди. Биогаз қурилмаси ана шу муаммонинг ечими йўлидаги изланишлар самараси бўлди.

Мазкур қурилманинг асоси ҳар бири ўттиз тонна сиғимга эга иккита герметик цистернадан иборат. Уларга жамғарилган органик чиқинди, яъни чорва ўғитини анаэроб, яъни ҳавосиз муҳитда ачитиш усули билан газ ёнилғиси ҳосил қилинади. Айни кунларда мазкур қурилма ёрдамида фермернинг бир гектарга яқин иссиқхонаси, шунингдек, хонадони иситилмоқда. Бу фермерга табиий газ ёки электр энергияси учун тўлаши лозим бўлган катта маблағни тежаб қолиш имконини бермоқда. Бундан ташқари, биогаз қурилмаси учун хомашё – чорва ўғити хўжаликнинг ўзидан чиқиши ҳам сарф-харажат ва меҳнатни тежаш имконини бераётир.

Энг муҳими, биогаз қурилмаси атмосферага аммиак ва метан гази чиқишини камайтириб, экологик аҳволни яхшилашга хизмат қилади. Айни вақтда биогаз ишлаб чиқаришдан ҳосил бўлган органик чиқиндилар қолдиғидан ер унумдорлигини оширадиган органик ўғит сифатида фойдаланиш мумкин. Ана шу жиҳатларни инобатга олиб, мазкур лойиҳани амалга ошириш учун вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан фермер хўжалигига ўн миллион сўм маблағ ажратилди.

Мазкур қурилма ёрдамида ишлаб чиқарилган биогаз электр энергияси ишлаб чиқариш, уй-жойлар, ишлаб чиқариш иншоотлари ва иссиқхоналарни иситишда тежамкор, юқори сифатли энергия вазифасини ўтайди.

**А.САТТОРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Қорақалпоғистон Республикаси

▼ АСАЛАРИЧИЛИК

# МИТТИ «МЕҲНАТКАШ»ЛАР ЯРАТАЁТГАН БОЙЛИК



***Қонликўл туманида "Тоирқорахўжа" фермер хўжалиги раҳбари Узоқбой Қидирбоев анча йиллардан бери асаларичилик билан шуғулланиб келади.***

— 2008 йилда 20 та асалари оиласи билан иш бошлагандим, — дейди у. — Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликлар, ишларимизнинг рағбатлантирилиши катта имкониятлар эшигини очиб берди. Бугунга келиб, асалари оиласи 100 тага етди. Ўғлим Дамир, қизим Айнура ва кенжатойим Салаватлар яқин ёрдамчиларимдир.

Узоқбой аканинг асалариларни парваришлаш бўйича тажрибаси ошгани сайин олинадиган маҳсулот миқдори ҳам ортмоқда. Ҳар бир асалари оиласидан 7-8 килограммгача асал олинмоқда. Асалари оилалари мавсумга қараб кўчириб турилади. Негаки, улар ўзларига етарли миқдорда озиқа йиғишлари керак. Бунинг учун фермерда техника етарли.

Аммо асаларичиликнинг ўзига хос машаққатлари ҳам бор. Масалан, ҳаво ҳароратининг пасайиши ва озиқа етарли даражада бўлмаса, ариларнинг ўсиб ривожланиш муддати узаяди, агар ҳаво ҳарорати +37° гача етса, 3 кунга қисқаради.

Оилада оқсилли озиқалар етишмаса, ҳатто асаларилар личинкалардан ғумбакка айланмасдан қирилиб кетади. Шунинг учун уяда етарли ҳаво ҳарорати, асал ва (перго) оқсил бўлиши зарур. Бундан ташқари, уларнинг баҳорда кам учишини ҳисобга олиб, сув билан таъминлаш керак.

Асалариларда бир неча хил касалликлар ҳам учрайди. Вояга етмаган ари болаларининг (эрта баҳорда) совуқ ейиши сабабли бир қисми қирилади. Шунингдек, вояга етмаган арилар (личинка, ғумбак) чириш касаллиги туфайли нобуд бўлади.

Катта ариларнинг юқумсиз касалликлари асосан ичкетар, овқатдан заҳарланиш оқибатида келиб чиқади. Бундан ташқари, бит ва каналар асалариларнинг асосий душмани ҳисобланади. Улар паразит ҳолида яшаб, ари организмидаги шираларни сўриб ҳолсизлантиради ва уларнинг ҳалок бўлишига олиб келади.

Бу борада туман ветеринария мутахассисларининг хизматларини алоҳида эътироф этиш жоиз. Улар жойларга чиқиб, асаларилар аҳволи билан танишиб, зарур кўрсатмалар бериб боришмоқда. Зарур профилактика ишларини ўз вақтида олиб бориш натижасида шифобахш неъмат етиштириш самарадорлиги ортиб бораётир.

**Зулқандар ҚАЛАНДАРОВ**

Хоразм Вилояти

# «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» – ЯҚИН ҲАМКОРИМИЗ

## УНИНГ МАДАДИГА ТАЯНИБ, ПАРРАНДАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ КЎПАЙТИРЯПМИЗ



***Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка алоҳида эътибор берилиб, зарур шарт-шароитлар яратилаётганлиги тараққиётга хизмат қилмоқда. Бизнинг "Хонқа-паррандачилик" масъулияти чекланган жамият ҳам бу имкониятдан унумли фойдаланмоқда. Кўп, сифатли ва арзон маҳсулот етиштириш учун фан-техника ютуқларига таянган замонавий технология асосида иш олиб боришимиз зарурлигини чуқур ҳис этиб, айнан шу йўлни танладик.***

Бизга кам ишчи кучи сарфланадиган энг мақбул технологик линия зарур эди. Режамизни амалга ошириш учун Германиядаги "Big Dutchman international GmbH" корхонаси билан шартнома туздик. Маблағ масаласида бизга хизмат кўрсатаётган ва энг яқин ҳамкоримизга айланган "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Хоразм вилояти минтақавий филиали жамоаси кўмак берди. Ушбу молия муассасаси 1450 минг евро миқдоридаги маблағни беш йил муддатга 7 фоизли кредит тарзида берганлиги бизга катта мадад бўлди. Саъй-ҳаракатларимиз туфайли товуқ ва жўжа боқиш линиялари тўлиқ ўрнатилиб, замонавий корхона ишга туширилди. Бу — 45 нафар кишини иш билан таъминлаш имконини берди. Демак, шунча оиланинг даромади янада кўпайиб, рўзғорига барака кирди, турмуш фаровонлиги ошди.

Замонавий технологик линиялар бир маромда ишлай бошлагач, маҳсулот етиштириш ҳажми йилдан-йилга кўпайиб борди. 2011 йилда ушбу кўрсаткич 31 миллион донадан ошиб кетди.

Аҳолига имкон қадар кўпроқ парҳезбоп парранда гўшти етказиб бериш фаолиятимизнинг яна бир муҳим йўналиши ҳисобланади. Бу борадаги кўрсаткичларга назар ташлайдиган бўлсак, сезиларли равишда ўсишга эришилаётганлигини кўрамиз. Бу — парранда гўшти етиштириш уч йилда ўн баравардан зиёдроқ кўпайганлигини англатади. Жўжа очириб, уларни парваришлаш соҳасидаги натижалар ҳам қувонарли бўлмоқда. Шунинг ҳисобига паррандалар бош сони тобора кўпайиб бормоқда. Ҳозирги пайтда 138 минг бошдан зиёд она товуқ, 56 минг бошдан ортиқ жўжа боқилмоқда.

Паррандачиликда озуқа таъминотининг барқарорлигига эришиш, узилишларга йўл қўймаслик муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун омихта ем ва бошқа озуқаларни пешма-пеш етказиб бериш, уларнинг захирасини яратишга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Озуқани улгуржи арзон нархда кўп миқдорда харид қилиб, захира яратишимиз учун 500 миллион сўм миқдоридаги маблағ зарур бўлди.

Бу борада ҳам "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Хоразм вилояти минтақавий филиали жамоаси бизни қўллаб-қувватлади. Унинг кўмаги билан шунча миқдорда кредит расмийлаштирилди. Бундай йўл тутилганлиги маҳсулот таннархини арзонлаштириш имконини берди.

Халқимизда "Тоққа чиққан чўққини кўзлар", деган нақл бор. Жамоамиз паррандачилик соҳасида маълум тажриба тўплаб, бир қатор ютуқларни қўлга киритгач, иш кўламини янада кенгайтиришни кўзлаяпмиз. 2012 йилда хориждан маҳсулотларни қадоқлайдиган замонавий технологияни сотиб олиб, ишга туширишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бу маҳсулотнинг харидоргирлигини ошириши билан бирга яна ўн нафар киши учун иш ўрни яратиш имконини беради.

Президентимиз томонидан "Мустаҳкам оила йили" деб аталган жорий йилда жамоамиз кўтаринкилик билан меҳнат қилмоқда. "Ўзсаноатқурилишбанк" ана шундай эзгу ниятларимизнинг амалга ошишида молиявий кўмакчи бўлаётганлиги эса янада эътиборлидир.

**Рўзибой БЕКМЕТОВ,**
**Хонқа туманидаги**
**"Хонқа-паррандачилик" МЧЖ**
**директори.**

